

**“Ёш ватандош ёзувчи” лойиҳаси танловини ўтказиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом **“Ёш ватандош ёзувчи”** лойиҳаси (кейинги ўринларда – Танлов)ни хорижда яшовчи ижодкор ватандошлар ўртасида ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танловнинг асосий ташкилотчиси – **“Ватандошлар”** жамоат фонди (кейинги ўринларда – Фонд).

1.3. Танлов хорижда истиқомат қилаётган ёш ватандош ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг адабий салоҳиятини юксалтириш ва Ватан билан маънавий алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилади.

II. ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Хориждаги ёш ватандош ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш;

2.2. Миллий адабиёт анъаналарини ривожлантириш ва тарғиб қилиш;

2.3. Янги истеъдод соҳибларини кашф этиш ва уларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштириш;

2.4. Ёш ижодкорларнинг Ўзбекистон билан маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш;

2.5. Ижодий мулоқот ва тажриба алмашиш муҳитини яратиш.

III. ТАНЛОВ ЙўНАЛИШЛАРИ

3.1. Танлов қуйидаги олти йўналиш бўйича ўтказилади:

Назм;

Наср;

Драматургия;

Бадиий публицистика;

Болалар адабиёти;

Адабий танқид.

3.2. Ҳар бир иштирокчи фақат битта йўналишда иштирок этади.

3.3. Ижодий ишлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Назм:

50 сатр (қатор)дан ошмаган шеърӣ асар. Мавзу эркин.

Наср:

Ҳикоя ёки бошқа турдаги насрий асар (ҳажми чекланмаган). Бадиий яхлитлик ва ғоявий мазмун талабларига жавоб бериши лозим.

Публицистика:

2000 сўзгача бўлган мақола ёки эссе. Ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий мавзуларни қамраб олиши мумкин. Муаллифнинг мустақил позицияси ва таҳлилий ёндашуви ифода этилган бўлиши шарт.

IV. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 4.1. Танлов онлайн шаклда эълон қилинади.
- 4.2. Ижодий ишлар Фонд томонидан белгиланган электрон манзил ёки махсус онлайн платформа орқали қабул қилинади.
- 4.3. Келиб тушган барча ижодий ишлар техник талаблар асосида сараланади ва Ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.
- 4.4. Мазкур Танловга келиб тушган ижодий ишлар оммавий овоз беришга қўйилмайди.

V. ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

- 5.1. Танловда хорижда истиқомат қилаётган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ватандошлар иштирок этишлари мумкин.
- 5.2. Иштирокчилар тақдим этган ижодий ишлар муаллифнинг шахсий ижоди бўлиши шарт.
- 5.3. Плагиат (ўзлаштириш) аниқланган тақдирда иштирокчи Танловдан четлаштирилади.

VI. ТАНЛОВ МУДДАТЛАРИ

- 6.1. Ижодий ишлар белгиланган сана оралиғида қабул қилинади (аниқ муддат Фонд томонидан эълон қилинади).
- 6.2. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаш жараёни 30 календарь куни ичида амалга оширилади.
- 6.3. Ҳолиблар Фонднинг расмий ахборот манбалари орқали эълон қилинади.

VII. БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

- 7.1. Ижодий ишлар фақат Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади.
- 7.2. Ҳакамлар ҳайъати таркибига таниқли ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, публицистлар ва мустақил экспертлар киритилади.
- 7.3. Баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади (100 баллик тизим):
 - Мавзунинг очиб берилиши – 20 балл;
 - Ҳоя ва бадиийлик – 25 балл;
 - Ижодий ёндашув ва услуб – 25 балл;
 - Композиция ва мантиқий яхлитлик – 15 балл;
 - Саводхонлик ва тил маданияти – 15 балл.
- 7.4. Ҳакамлар ҳайъати қарори якуний ҳисобланади.

VIII. ҲОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ

- 8.1. Ҳар бир йўналиш бўйича 1, 2 ва 3-ўринлар аниқланади.
- 8.2. Танловнинг энг сара ижодий ишлари муаллифлари Ўзбекистонга таклиф этилади.

8.3. Ғолиблар учун юртимизнинг эътиборга молик тарихий ва маданий қадамжоларига саёҳат ташкил этилади.

8.4. Ғолиблар иштирокида 3 кунлик ижодий семинар Зомин туманида ташкил этилади (кейинги ўринларда – Зомин семинари).

8.5. Зомин семинари давомида маҳорат дарслари, адабий мулоқотлар ва ижодий муҳокамалар ўтказилади.

8.6. Зомин семинари якунига кўра энг сара деб топилган ижодий ишлар Фонд томонидан алоҳида тўплам шаклида чоп этилади.

8.7. Барча иштирокчиларга электрон сертификат тақдим этилади.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

9.1. Фонд ижодий ишлардан тарғибот ва нашр мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

9.2. Танлов низомига заруратга кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи ташкилотчиларда сақланади.

9.3. Танлов жараёнида юзага келган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида ҳал этилади.

Мазкур Низом **“Ёш ватандош ёзувчи”** лойиҳаси доирасида хориждаги ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва миллий адабиётни халқаро миқёсда ривожлантиришга хизмат қилади.